

“БОЙЧЕЧАК” ТҮПЛАМИДАГИ АЙТИМ-ОЛҚИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўринова Мафтуна Нўмон қизи,

ЎзРФА таянч докторанти

АНАЛИЗ ПОГОВОРОК В СБОРНИКЕ “БОЙЧЕЧАК”

Уринова Мафтуна Нўмон қизи,

Базовый докторант Академии наук Республики Узбекистан

<https://orcid.org/orcid 0000-0002-9729-2462>**ANALYSIS OF SAYINGS IN “BOYCHECHAK” COLLECTION**

Urinova Maftuna Numon qizi,

Basic doctoral student of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Аннотация: Уибу мақолада Охунжон Сафаров ҳамда К.Имомов томонидан тўплланган “Бойчечак” тўпламидаги айтим-олқишилар таҳлил қилинган. Айтим-олқиши катталарап репертуаридағи эркаловчи мотивдаги қўшиқлар бўйиб, асосан, болаларнинг бешик даврига оид турли маросимларда ижро этилади. “Бойчечак” тўпламида жасми 53 та айтим-олқиши намунасини учратиш мумкин. Мақолада уларнинг мавзусига, ижросига кўра турлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, айтим-олқишиларнинг бадиияти ҳам таҳлилга тортилган. Уларнинг аксарияти оналар ва энагалар томонидан турли-туман маросимларда фарзандни эркалаши мақсадида айтилган. Мақолада келтирилган айтим-олқиши намуналари ўзбек ота-онаси, бобо-бувисининг фарзанд тарбиясида воқеянган ижод ва ижро маҳоратини тўла кўрсата олади.

Калим сўзлар: айтим-олқиши, тўплам, бешик даври, аллитерация, қўшиқ, маросим, типология, этнофольклористика.

Аннотация: В статье анализируются изречения из сборника “Бойчечак”, собранного Охунджоном Сафаровым и К.Имомовым. Айтим-олкши – это песни с ласкающим мотивом в репертуаре взрослых, и они в основном исполняются в различных обрядах, связанных с колыбельным периодом детей. В сборнике “Бойчечак” можно найти всего 53 образца поговорок и аплодисментов. В статье рассматриваются их виды по тематике и исполнению. Также анализируется артистизм мимики и аплодисментов. Большинство из них произносилось матерями и нянями для того, чтобы привлечь ребенка на различных обрядах. Приведенные в статье примеры высказываний и аплодисментов могут в полной мере продемонстрировать творческие и исполнительские способности узбекских родителей, бабушек и дедушек в воспитании своих детей.

Ключевые слова: поговорка-апплодисменты, сборник, колыбельный период, аллитерация, песня, обряд, типология, этнофольклористика

Annotation: This article analyzes the sayings in the “Boychechak” collection collected by Okhunjon Safarov and K.Imomov. Aytim-olkshis are songs with a caressing motive in the repertoire of adults, and they are mainly performed in various rituals related to the cradle period of children. In the “Boychechak” collection, you can find a total of 53 samples of sayings and applause. The article discusses their types according to their theme and performance. Also, the artistry of expressions and applause is analyzed. Most of them were said by mothers and nannies in order to caress the child in various ceremonies. The examples of sayings and applause presented in the article can fully demonstrate the creativity and performance skills of Uzbek parents and grandparents in raising their children

Key words: saying-applause, collection, cradle period, alliteration, song, ritual, typology, ethno-folkloristics

“Бойчечак” тўпламининг “Бешик қўшиклари” бўлимида айтим-олқишиларнинг катор намуналарини кўришимиз мумкин. Айтим-олқиши катталарап репертуаридағи эркаловчи мотивдаги қўшиклар бўйиб, асосан, болаларнинг бешик даврига оид турли маросимларда ижро этилади. “Бойчечак” тўпламига киритилган айтим-олқишиларнинг мундарижаси қуйидагича:

- 1) чақалокни бешикка биринчи бор solaётганда – 13та;
- 2) чақалокни бешикдан олаётганда – 5та;
- 3) чақалокқа исириқ тутатилганда – 4та;
- 4) чақалокни илк бор чўмилтирганда – 5та;
- 5) чақалок беш кунлик бўлганда – 5та;
- 6) чақалок тўққиз кунлик бўлганда – 1та;
- 7) чақалокни биринчи марта таништирганда – 4та;
- 8) боланинг илк бор тиши кўринганда – 3та;
- 9) бола биринчи марта ўтирганда – 1та;
- 10) бола оёқ чиқаргандা – 4та;
- 11) болани той-тойлаганда – 1та;
- 12) болага янги кийим кийдирилганда – 5та;
- 13) кизалокнинг сочини илк бор юваб-тараганда – 1та;
- 14) болани овқатлантирганда – 1та.

Айтиш жоизки, айтим-олқишиларнинг бундай мавзувий кўринишларини илк бор Охунжон Сафаров ўқувчилар хўкмига ҳавола этди. Кейинчалик фолклоршунос олим Маматкул Жўраев бу ишни давом эттириб, Зарафшон воҳасида тарқалган айтим-олқишиларни “Ой олдида бир юлдуз”, китобининг “Олтин бешик тароналари” номли биринчи фаслида муайян тартибда келтирган. Унда айтим-олқишиларнинг чақалокни бешикка белаётганда, чақалокни бешикдан олаётганда, чақалоқни илк бор чўмилтираётганда, чақалок беш кунлик, тўккиз кунлик бўлганда, чақалоқка исиррик тутатиляётганда айтиладиган жами 50та намунаси киритилган. “Бойчечак” тўпламида эса жами 53 та айтим-олқиши намунасини учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти оналар ва энагалар томонидан турли-туман маросимларда фарзандни эркалаш мақсадида айтилган бўлиб, куйидаги икки гурухга бўлинади:

- 1) ўғил болаларга айтиладиган;
- 2) киз болаларга айтиладиган.

Чақалокни биринчи бор бешикка солаётганда айтиладиган айтим-олқишиларда боланинг бешикка тўғри қўйилиши, хотиржам ором олиши ҳамда турли шовқинлардан қўрқмаслиги айтилади:

- Шугина жоним, бир жоним,
Бўйнимдаги маржоним.
- Худо берди севсин деб,
Олтин бешикка кирсинг деб.
- Бундай боғлаймизми
- Йўқ, йўқ.
- Бундай боғлаймизми?
- Ха, ха.
- Қоч, қоч бабаси,
- Келди эгаси.
- Ота-онанг гапиришса,
Қичкиришса, яна қўрқма.
- Олапар ит ақилласа, қўрқиб колма (47-бет).

Халқимизда бешик қадим замонлардан бери гўдакнинг уйи сифатида қаралиб келинади. Бола шу бешикдагина ором олиши, шунда она ўз юмушларини бажара олиши мумкин. Бундан ташқари, болани бешикка солиши алоҳида маросим сифатида ҳам нишонланади. Бешикка олтин сифатганишининг берилиши эса қимматбаҳо ва азиз эканлигига ишора. Одатда, биринчи бор гўдак катта киши, буви ёки энага(доя) томонидан бешикка боғланади. Боғлайдиган шахс болани гоҳ бошини, гоҳ оёғини тескари қўйиб, бошқалардан сўрайди. Улар :“Йўқ, йўқ”, – дейишади. Бундан мақсад ёш онага боланинг бешикка тўғри солинишини ўргатишидир. Бола бешикка қўйилгандан сўнг, “Қоч, қоч бабаси, келди эгаси”, – деб айтилади. “Баба” Бухоро шевасида ит сўзининг болаларга хос айтилишидир. Биламизки, итдан уй қўриклиш мақсадида фойдаланилади, бунда ҳам бола ўз уйи-бешикка келгунча уни бабаси муносаб қўриклиб турари ва уйни эгасига топширади. Аммо О.Сафаров айтим-олқишиларда баба, бобов, кучук, душман образлари бўлиб, улар маҳсус поетик юқ ташишини таъкидлаб ўтган. Олим ўз фикрини зардустийлик таълимотида ит чиллари аёл ва чақалоқ ҳомийси сифатида тасаввур килиниши билан изоҳлайди. “Авесто”да келтирилишича, Чинват кўпргиҳ устида турадиган ит ўликлар мулкининг қўрикчиси экан. Оташпарастлар бу жониворни энг пок жонзот деб билишган. Ж.Юсупов “Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати”да поклик тимсоли саналган итнинг нигоҳи ҳар қандай ёвуз кучни ҳайдаб юбора оладиган магик таъсирга эга эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, ит бешикни унга кириши эҳтимол тутилган инсу жинслардан муҳофаза қилувчи магик образ сифатида қаралади. Тожиклар эътиқодига кўра, ит алвастининг энг кучли душмани хисобланади. Инс-жинс, алвастилар чилласи чиқмаган она-бала атрофида ўралашиб юради деган халқ қараши итни ҳомий образ сифатида гавдалантирган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, бола белангандан сўнг бешикнинг устки ёғочида ёнгоқ чақилади ёки новвот синдирилади. Бунда боланинг баланд овоздан қўрқмаслиги мақсад қилинади. Тиббиётда янги туғилган чақалоқ ташки стимулга жуда мойил бўлиши, шу боис унинг олдида тинчлик сақлаш кераклиги таъкидланади. Халқ эса чақалоқни баланд овозда гапиргандা ёхуд аксиргандага чўчиб тушишини синчковлик билан кузатган. Шу боис гўдакни илк кунлардан ташки таъсирларга мос равиша тарбия килишини мақсад қилишган.

Чақалоқни бешикдан олаётганда айтиладиган айтимларда уч марта “Ўс, ўс, ўс”, – дейилади, чақалоқ ётган ўрни сийпаланиб, боланинг орқа бели уқаланади:

- Тақар-тукур гавораси,
- Дарди дили овораси.
- Ўс, ўс, ўс (49)

Айтим-олқишиларнинг Наманган вариантида худди шундай боланинг орқасини уч марта силаб: “Ҷовош бўлсин, ювош бўлсин”, – деб қўйишиади. Яна “Бешик боласи – бек боласи” дейилади . Ёки Бухорода “Болам бешикдан чиксин, Ўйқуси бешикда қолсин”, – дея уйқу жонлантирилади. Яъни, уйқу болани қайтиб келгунча бешикда пойлаб туриши ҳамда ўз ишини қайта давом эттириши назарда тутилади.

Чақалоқка исиррик тутатилганда айтим-олқиши болани турли ёмон қўзлардан сақлаш ёки назар кирган бўлса, ундан халос қилиш мақсадида айтилади. Тўпламда ширу шакар айтим намунасига дуч келдик:

Хазориспанднинг донаси,
Шу бегуноҳнинг шонаси.
Чашми эш, чашми хеш,
Ҳамсояхон гирди пеш.
Хазориспанд ҳазор дони,
Ҳазор дардга давойи.
Онасининг кўзи,
Дадасининг кўзи,
Ёмон кўзлар йўқолсин,
Бало-казо йўқолсин,
Шу болам омон қ олсин(50).

Хазориспанд исирик сўзининг форс-тожикча варианти бўлиб, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарёнинг айрим худудларида шундай айтилади. “Ҳазор” сўзи форс-тожик тилида минг сонини, “испанд” сўзи эса паҳлавий тилида “уруг” деган маънони ифодалайди. Демак, “ҳазориспанд” – “минг уруг” дегани. Чунки бу ўсимлик жуда кўп кора рангли уруг ҳосил қиласди. Ҳалқимиз исириқка қадимдан доривор сифати қарашиган: қайнатиб турли яра-чақага суришган, тутатиб дизенфиксия максадида фойдаланишган. Хуллас, “ҳазор дардга давойи” эканлигини билишган. Юқоридаги айтим-олқишида эса исириқ янги туғилган чақалоқни ота-она, хеш-акраболарнинг ёмон назарларидан химоя қилиши таъкидланмоқда. Исириқнингмагик қурдатига ишора қилинмоқда. Очиклаш жоизки, ҳалқ орасида болага биринчи бўлиб ота-онанинг кўзи тегади деган қарааш мавжуд. Ота-она чақалоқни эркала-сўйгандан назари тушиб, бола касал бўлиб қолиши мумкин эмиш. Шу боис “онасининг кўзи, дадасининг кўзи йўқолсин”, – дейилмоқда. Айтим-олқишининг тожик ва ўзбекча сўзлар билан айтилгани унинг кимматини янада оширган.

Чақалоқни илк бор чўмилтирганда куйидаги айтим-олқиши айтилган:
Сув пок, сан нопок,
Пок сувсанга бўлсин.
Сани нопоклигинг
Амир-у хонларга бўлсин(61).

Фолклорда сув култи билан боғлиқ мифлар талайгина. Сувнинг асосий вазифаси поклаш эканлиги ҳам маълум. Юқоридаги айтим-олқишининг айричалиги шундаки, унда ижтимоий муносабатлар талқинини кўриш мумкин. Чўмилтирилаётган болага поклик тиланмоқда, нопокликлар эса адолатсизлик қилиб ҳалққа жабр етказувчи амиру хонларга раво кўрилмоқда. Хонлик замонлари кирлигидан сўзловчи “Ўткан кунлар” романидан ҳалқ бошига чаён солиғи солиниши ҳақида қайдлар учрайди. Ҳалқ тилидан Азизбекка қаратла “Ханжарингни хайф кўриб маҳаллаларга чаён солиги соглан, оғаларимизни чаён заҳари билан ўлдирган ким эди?” – дейилади. Рустам Тожибоев тадқиқотида Тошкент ҳокими Азизбекнинг чиндан ҳам маҳбуслар устига чаён ташлаб кийнаб ўлдиргани, ахолига чаён солиги соглани, одамлар пахса деворларни бузуб, чаён қидиришга мажбур бўлганлари ҳақидаги тарихий фактни келтиради. Айни нопокликлар ҳалқ тилига кўчганлиги табиий, бизнингча.

Чақалоқ беш кунлик бўлганда, тўққиз кунлик бўлганда айтиладиган айтим олқишилар маросим билан бевосита алоқадор бўлиб, бугунги кунда уларнинг баъзиси трансформацияга учраб, онахонларнинг эркаловчи қўшиғи шаклида намоён бўлади:

Бу кечада беш кечаси,
Бу отасининг бачаси.
Онасининг кўзмунчоги,
Акасининг овунчоги(53).
Тўпламга маросим билан боғлиқ иримлар акс этган айтим намунасини ҳам учратдик:
Бешдан ўтди – тошдан ўтди,
Чолдевор ҳовлидан ўтди.
Чоли бор ҳовлидан ўтди.
Отасининг кўш пичоги,
Онасининг ошпичоги,
Бувисининг кўзмунчоги,
Опасининг овунчоги(52).

Сухареванинг таъкидлашича, ўтмишда боласи турмайдиган оналар чақалоги дастлабки беш кунликдан ўтса, уни чол яшайдиган эски чордевордан олиб ўтиш расм бўлган. Бунда чақалоқнинг ўша чол ва чордевордай узоқ умр кўриши истаги кўзда тутилган. Махсус таом ҳалвойтар пиширилган хамда беш ва тўққиз кечаларда доя пиёзга қозонкуя суртиб, уни чақалоқнинг пешонасига, икки юзи ва манглайига, онасининг кўкрагига ва пешонасига суртишган. Пиёзнинг аччиклиги ва қозонкуя инс-жинслардан кувувчи кучга эга, деб ишониш шундай иримга олиб келган.

Чақалоқни биринчи марта ота-онаси, бобо-бувиси, ака-опалари, дояси ва бешиги билан таништирганда ҳам айтим-олқиши айтилган:

Бабалаки бўпписи бор,
Бошчасида дўпписи бор.
Кайвони бувиси бор,



Саркарда буваси бор(54).

Биринчи мисрадаги “бабалаки бўпписи” ифодаси маъно англатмайди. Бу сўқма сўз бўлиб, болага мурожаат боис унинг тилига мослаштирилган. Боланинг илк бор тиши кўринганда энди унга ҳам юмуш топилгани, чайнаш учун меҳнат қилиши таъкидланади. Бу айтим-олқишиларда тишнинг дурга ташбех қилиниши, бошнинг мадрасаса куббасига киёсланиши каби тасвирлар учрайди. Баззи ҳудудларда “боланинг гуручи кўринди” дейишиб, қозонга маккажӯхори солиб, бодрок киладилар. Шундай қилинса, боланинг тишлари осон ёриб чиқади, деган қараш мавжуд. Бола етти ёшга етганда, тишлари тушиб қайта чика бошлайди. Одатда, болалар тушган тишларини “Арра тишимни ол, Болта тишимни бер!” – дея томга улоқтирадилар ёки сичқон инига ташлайдилар. Бу билан янги чиқадиган тиши сичқон тишлари каби мустахкам бўлишига ишора қилинади. Бўхоро воҳасида эса тиши чиқаётган болани ҳисори қўй ёки қўчкор устига миндиришади. Шунда тишлар осон ва чиройли шаклда чиқишига ишонишади. Биз, шу каби иримларни ўрганар эканмиз, бугунги кунда болалар орасидаги янги қарашларни ҳам аниқладик. Гиждувон тумани Галгочи қишлоғида яшовчи саккиз ёшли Одилова Ойдиной билан сұхbatлашдик. Қизнинг сўзларига кўра, тиши тушганда уни тонгга қадар ёстиқ остига қўйиб ухлаш керак экан. Шунда тиши фариштаси келиб, болага тушган тиши эвазига совға-саломлар бериб кетар эмиш. Масалани аниқлаштироқчи бўлиб, катталардан сўраганимизда болалар орасида тиши фариштасига ишонч пайдо бўлганини тасдиқлашди. Фарзандларининг кўнглини синдирамаслик мақсадида ёстиқ остига ширинликларни ўзлари қўйишларини айтишди. Тиши фариштаси тўғрисидаги қарашлар телевизор орқали намойиш этилаётган икки эгизак жин Шиммер ва Шайн ҳакидаги мултфильм таъсирида шаклланганинг гувоҳи бўлдик.

Бола биринчи марта ўтирганда, оёқ чиқаргандан, той-тойлаганда ота-онанинг севинчи ичига сиймайди. Бундай айтимларда болани мақташ, уни ҳаёт йўлидаги тиканлардан асраш мотиви етакчилик қиласди:

Адоқ-адоқ юрисин,
Тикан шунга кирмасин.
Кўзи қаттиқ бандалар
Кўзи шунга тегмасин(55).

Бола биринчи марта юрганда она унга атаб етти кулча тайёрлайди ва кулчаларни боланинг оёқлари орасидан думалатиб, етти кўшни болаларга улашиб чиқади. Наманганда эса, Ш.Тургуновнинг ёзишича, кайвони онахон боланинг оёқларига боғланган тушовни кесиб, орасидан “Чойдай енгил бўлсин!” – дея, бир кути куруқ чойни думалатади. Бу иримлардан мақсад боланинг кадамлари енгил бўлиб, чопа-чопа юриб кетишига умид қилинади.

Болага янги кийим кийдирилганда эса унинг умри узоқ бўлиши – минг йиллик бўлиши ният қилинади. Кийимнинг “ёқаси мойли”, “этаги лойли”, ўзи бир йилда тўзса ҳам фарқи йўклиги айтилади, факат уни кийган эгаси баҳтиёр бўлса бас. Болага янги кийим кийдирилганда айтим ўзининг тилидан баён қилинади:

Сан – бир йиллик,
Ман – минг йиллик.
Кия-кия тўздирайлик,
Дугоналардан ўздирайлик(56).

Қизалоқнинг сочини илк бор ювиб-тараганда, болани овқатлантирганда айтиладиган айтим-олқишиларга биттадан мисол келтирилган:

Ойда – кулоч,
Кунда – тутам, (изоҳлай олмадим)
Сенга – куёв,
Менга – палов(57).
Овқатлантирганда:
Десам-чи, ҳа десам-чи,
Чорвокка гул эксан-чи.
Седонали нонини
Қаймоқ билан есамчи(57).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқи чиндан болажон халқдир. Фарзандининг хеч бир хатти-ҳаракатини назардан қочирмайди, меҳр билан кузатади. Бизнингча, юкорида таҳлил қилинган айтим-олқиши намуналари ўзбек ота-онаси, бобо-бувисининг фарзанд тарбиясида воқелангандан ижод ва ижро маҳоратини тўла кўрсата олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиклари. Тузувчи ва нашрға тайёрловчилар: Сафаров О., Очилов К. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. Колган иқтибослар ҳам шу тўпламдан олинган. Сахифаси қавс ичida берилади.

Сафаров Охунжон. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.115.
Сухарева О.А. Мать и ребёнок у таджиков. С.138-139.

Тургунов Ш. Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва локал хусусиятлари. Диссертация. 55-бет.